

Хадийжага уйланишлари (ҳижратдан аввалги 28 йил, куз фасли; милодий 595 йил)



16:55 / 09.10.2019 3544

Маккада Хадийжа исмли аслзода, ақлли, ахлоқли, фазилатли ва бойбадавлат аёл бор эди. У олдинги турмуш ўртоғи вафот этиб, бева қолганидан кейин тижорат учун бошқа эркакларни ишга ёллар эди.

Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Хадийжа бинт Хувайлид билан келишиб, унинг тижорати бўйича Шом ўлкасига бориб, савдо қилиб келдилар. Ўша тижорий сафарда Хадийжанинг хизматкори Майсара исмли йигит ҳам у зотга ҳамроҳлик қилди. Бу сафардан кейин ўтқир ақл эгаси Хадийжа Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оддий одам эмасликларини сезиб қолди. У зотдаги тўғрилиқ, садоқат, ҳалоллик, хайр-барака ва бошқа хислатлар Хадийжани ўзига ром этди.

Бунинг устига, хизматчи Майсара сафар давомида Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламда кўрган ақл бовар қилмайдиган ҳолатларни айтиб берди. Макканинг кўплаб аъёнларининг совчиларини қайтарган Хадийжа Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга турмушга чиқишни ният қилди. У киши ўзининг бу ҳақдаги ниятини дугонаси Нафиса орқали Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга етказди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари совчи бўлдилар. Икки томоннинг розилигидан сўнг Абу Толиб никоҳ хутбасини ўқиди. Ўшанда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёшлари йигирма бешда, Хадийжа онамизники эса, машҳур ривоятга кўра, қирқда эди.

«Ислом тарихи» биринчи китоб